

## Литература

1. Грановская Р.М. Защита личности: психологические механизмы / Р.М.Грановская, И.М.Никольская. СПб.: Знание, 1999. -С. 352.
2. Журбин В.И. Понятие психологической защиты в концепциях З.Фрейда и К.Роджерса. В.И.Журбин // Вопросы психологии. 1990. №4, - С. 14-23.
3. Зазарова Ю.Б. О моделях психологической защиты на уровне межгруппового взаимодействия. // Вестн. Моск. ун-та.: Сер. 14. Психология. 1991. №3, -С. 11-17.
4. Субботина Л.Ю. Психологические защиты. -Ярославль: 2000. -С. 112.
5. Штроо В. А. Психологическая защита в процессе развития личности и группы: Методич. указания для спортсменов. - Воронеж: Изд-во ВГУ, 1996.
6. Штроо В.А. Исследование групповых защитных механизмов. Психологический журнал. 2001. № 1.

**РЕЗЮМЕ.** Мазкур мақолада спортчиларнинг фаолияти давомида ўз-ўзини муҳофаза қилиш усуллари, ўз-ўзини идора қилиш механизмлари ҳамда ҳиссий иродавий сифатлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, психологик муҳофаза турлари ва шакллари, жамиятда инсон ҳулқ-атворидаги таъқиб этишдаги роли ҳақида назарий маълумотлар келтирилади.

**РЕЗЮМЕ.** В этой статье пойдет речь о методах самозащиты, механизмах саморегуляции и эмоционально-волевых качествах спортсменов на протяжении их карьеры. Также представлены теоретические сведения о видах и формах психологической защиты, роли поведения человека в обществе.

**SUMMARY.** This article will talk about the methods of self-protection, mechanisms of self-regulation and emotional volitional qualities of athletes during their career. Also, theoretical information about the types and forms of psychological protection is presented the role of human behavior in society.

## БИЛИМЛАРНИ СУСТ ЎЗЛАШТИРУВЧИ ТАЛАБАЛАР ДИҚҚАТИНИНГ АСОСИЙ МОҲИЯТЛАРИ

Қ.Қ.Ҳайитов – катта ўқитувчи

Тошкент иқтисодий ва технологиялари университети

**Таянч сўзлар:** диққат, ихтиёрий, ихтиёрсиз диққат, профессиограмма, психопрофессиограмма, ихтиёрий диққатдан кейинги диққат, доминантлик, хотира қўлаи, когнитив, шахс.

**Ключевые слова:** внимание, произвольное, произвольное внимание, профессиограмма, психопрофессиограмма, внимание после произвольного внимания, доминантность, объем памяти, когнитивный, личность.

**Key words:** attention, voluntary, involuntary attention, professiogram, psychoprofessiogram, attention after voluntary attention, dominance, memory capacity, cognitive, personality.

Янгилаётган Ўзбекистонда бўлажак мутахассисларга бўлган талаб ва эътибор кундан кунга ортиб бораётганлигининг сабаби, Ўзбекистон илмий ютуқлари асосида дастлабки Ренессанс давридаги ота-боболарга муносиб авлод эканлигини дунёга намойиш қилишдан иборат. Мазкур режими амалга ошириш учун давлатимиз раҳбарияти томонидан кенг имкониятлар очиб берилаётганлигини ҳар қадамда гувоҳи бўлиб келмоқдамиз десак, хато бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг саясий-ҳаракатлари асосида Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёни бошланганидан бери дунёнинг нуфузли Олий таълим масканларида бир неча юзлаб ўзбек йигит-қизларини билим олаётганлигини кўришимиз мумкин.

Халқ таълими тизимидаги билимлари билан Олий таълим муассасасига билим олишга кирган талабаларнинг ҳаммаси ҳам аъло баҳоларга ўқиб кета олмаслигини асосий икки сабаби мавжудлигини психология фанида ўқитиб келинади. Булар:

1. Мутлақо янги ижтимоий муҳит, шарт – шароит ва ўқув жараёни;

2. Талабанинг ўзлигини намойиш этишига тўқинлиқ қиладиган ўзига хос психологик хусусиятлари.

Юқорида таъкидланган икки омилдан ташқари Э.Ғозиев томонидан илгари сурилган “Талабалар даври шахсининг ижтимоий ҳамда касбий мавқеини англашидан бошланади. Мазкур паллада ўспирин ўзига хос руҳий инкироз ёки тангликни бошидан кечириди, жумладан, катталарнинг ҳар хил кўринишдаги (унга ёқиш ёки ёқмаслигидан қатъи назар) ролларини тез суръатлар билан бажариб кўришга интилади, турмуш тарзининг янги жиҳатларига қўника бошлайди. Катта одамларнинг турмуш тарзига ўтиш жараёни шахсининг камол топиш хусусиятларига боғлиқ икки қарама-қаршилиқларни келтириб чиқаради” ижтимоий омилларни ҳам унутмаслик лозим бўлади [1].

Иқтидорли, зеҳнли ва қобилиятли талабалар қайси олий ўқув юртида ўқишдан қатъий назар ўзини “мен” лигини намойиш эта олади, аммо сушт ўзлаштирувчи талабалар “мен”лигини намойиш этишдан ташқари мавжуд билимларини ҳам баён этаолмайдилар. Замонавий психологиянинг асосий вазифаларидан бири ана шундай талабаларни қобилиятини намойиш қилиш учун кенг имкониятларини очиб беришдан иборатдир.

Жаҳон психологиясида билимларни ўзлаштириш ва эгаллаш учун онгли фаолиятни бир нуктага тўплаб турувчи ва йўналтирувчи куч сифатида “диққат” таҳлил этиб келинади. Э.Ғозиевнинг фикрига кўра “диққат - билимларни ўзлаштиришда онглиликни юзага келтирувчи асосий омил ҳисобланади”. Демак, диққат талабанинг когнитив жараёнлари асосида билимларни ўзлаштиришда асосий мотивацияларни қўзғовчи ва йўналтирувчи асосий куч ҳисобланади [2].

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, талабанинг ўқув фаолиятида сушт ўзлаштиришда юзага келадиган қийинчиликлар табиий ҳол ҳисобланади. Мазкур қийинчиликлар қуйидагиларда акс этади.

А) Олий таълимда билимларни билишдаги қийинчиликлар: ўрта мактаб ва олий ўқув юртидаги ўқув материалларининг мазмун ва қўлаи жиҳатдан кескин фарқлиниши; олий ўқув юртида ўқитишнинг турли шакл ва усуллари (маърузалар, семинар машғулот, коллоквиум, синов, бахс, амалий машғулот, махсус практикум, махсус семинар, махсус курс ва ҳоказолар) мавжудлиги ўқув матни, маъруза ва семинар материалларининг мураккаблиги, муаммолиги, илмийлиги, талабаларда мустақил билим олиш малакалари етишмаслиги; уларнинг мураккаб олий таълимга тўла тайёр эмаслиги.

Б) Билвосита ва бевосита ижтимоий-психологик қийинчиликлар: атроф-муҳит ва ҳаёт шароитининг ўзгариши; ҳаёт ва фаолиятнинг барча жаҳаларида мустақилликка ўтилиши: иродавий зўр бериш, қобилият, ақлий имкониятлар бўйича қатъиятсизлик: масалан, якуний имтиҳонларда, ўқишдан ҳайдалишдан чўчиш, қўрқиш, хавфсирашнинг пайдо бўлиши.

В) Ихтисослигига нисбатан қийинчиликлар: олий ўқув юрти мутахассислигини танлашдан иккиланиш; олий мактаб шарт-шароитларига мослашиш жараёнини нотўғри тасаввур қилиш; таълим олиш усуллари ва воситаларини қўника, малака ва одатларини эгаллашда орқада қолиш, турли хусусиятга эга бўлган мутахассислик – ихтисослик амалиётидан унумли фойдалана олмаслик; назарий билимлар билан амалиётнинг ажралиб қолгани; талабаларнинг профессиограммдан хабарсизлиги ёки касб шахсдан талаб этадиган психопрофессиограмма талабларига жавоб берадиган касбий фазилатларга эга эмаслиги.

Санаб ўтилган омил ва қийинчиликларни асосий негизига эътибор қаратадиган бўлсак, талаба шахслигидаги когнитив жараёнлар ва уларни йўналтириб ҳамда бир жойга тўплаб турувчи диққат дейишимизга сабаб кўплаб психологлар тадқиқотларида айнан шуларга тўхталиб ўтилган.

Мисол учун, таниқли психологлардан Б.Г.Ананьев, Н.В.Кузьмина, Н.Ф.Тализина, М.Г.Давлетшин, В.А.Токарева, Э.Э.Ғозиев ва бошқаларнинг тадқиқотларига кўра, олий ўқув юртларида таълим олиш талабалар учун жуда оғир кечеди, чунки бу даврда шахснинг мураккаб фазилатлари, хусусиятлари, сифатлари такомиллашиш босқичида бўлади. Ана шундай хусусиятларнинг ичида асосий ўринни “диққат” эгаллашини юқоридаги психологлар ўз илмий асарларида алоҳида ажратиб тўхталиб ўтишган.

Демак, талаба билимларни сушт ўзлаштиришига диққатнинг таъсири катта бўлиб, талаба ўқув фаолиятининг йўналганлиги ва самарадорлиги диққати асосида когнитив (билиш) жараёнларини бир ерга жамлашида акс этади. Психологияда диққатнинг асосан уч тури ҳақида кўпроқ фикр юритилади;

1. Ихтиёрий диққат.
2. Ихтиёрсиз диққат.
3. Ихтиёрий диққатдан кейинги диққат.

Талаба ихтиёрий диққат орқали маърузани идрок этишга ҳаракат қилаётган вақтда диққатини бошқа бир таъсирга йўналтириши асносида ўзлаштирилаётган билимлар хотирада сақланиб қола олмайди. Бунга асосий сабаб диққатнинг доминантлиги тез-тез ўзгариб туриши, хотира жараёнидаги бир маълумот иккинчи бир маълумотни ўчиши қонуниятини ишлаб кетади. Айнан ана шу тарзда талаба ўзлаштириши тўхтайдди. Мазкур ҳолатда ихтиёрий диққатдан кейинги диққат хотирадаги маълумотларни тиклашга ҳаракат қилади, аммо тиклай олмаслигига сабаб ўртада юзага келадиган бўшлиқ ҳисобланади. Ушбу ҳолатни тез-тез такрорланиб туриши эса ўз навбатида талабани сушт ўзлаштирувчи талабалар сафига қўшиб қўяди [3].

Ижтимоий-психологик ўсишнинг хусусиятларидан бири ўқиш фаолиятининг онгли мотивларини кучайишидир. Талабаларда ахлокий жараёнларнинг ўсиши сушт амалга ошсада, лекин хулқнинг энг муҳим сифатлари-мустиқиллик, ташаббускорлик, топқирлик, фаросатлилик ва ҳоказолар такомиллашиб боради. Шунингдек уларда ижтимоий ҳолатларга, воқеаликка, ахлокий қоидаларга қизиқиш, уларни англашга интилиш тобора кучаяди.

Диққатнинг таъсирида талабанинг ўзини бошқаришнинг таркибий қисмлари, ижодий тафаккур, муайян ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билимларни тартибга солиш асосида ҳис туйғулар, қарашлар, ахлокий қадриятлар, ўзлигини англаш ва барқарор эътиқод шаклланади.

Диққатнинг доминантлиги асосида талаба ўқув фаолиятини мумкин қадар тўлароқ тасаввур этишга ҳаракат қилади лекин уни бошқариш тўғрисида етарли маълумотга эга бўлмайди. Кўпинча уни ўқув фаолиятини йўналтириш деганда, ўқув материаллари, ўзлаштирилишни режалаштириш, назорат қилиш, баҳолаш қабиларни тушинади. Сушт ўзлаштирувчи талабаларнинг диққатини барқарорлиги ўрганилганда, беқарор диққат барча когнитив жараёнларга таъсир этиб билимларни эгаллашга мутлоқ салбий таъсир этиши таъкидланган.

Талабаларнинг диққати хусусиятини инобатга олган ҳолда Олий мактаб психологияси фанида

талабаларнинг ўқув фаолияти аудитория ва аудиториядан ташқари қисмларга ажратилади.

Шу билан бирга, талабалар олдида ўқув фаолиятининг таркибий қисмлари билан боғлиқ муайян қоидаларга риоя қилиб ҳал этиладиган масалалар кўрилади:

1) диққатнинг моҳиятидан келиб чиқиб қандай йўл билан аудиторияда тўғри ўқиш ва ўқитиш мумкин?

2) диққатнинг йўналиши асносида қай йўсинда аудиториядан ташқари вақтларда мустиқил фаолиятнинг умумлашган усулларида фойдаланса бўлади?

3) диққатнинг устувор йўналишига, асосан маърузада талабанинг ақлий фаолияти учун оптимал шарт-шароитлар қандай яратилади?

4) диққатнинг кучига асосланиб амалий ва семинар машғулотларига тайёрлик даражасини қандай аниқлаш ва ифодалаш мумкин?

5) диққатнинг узоқ муддатли онгли йўналтира олиш хусусиятига асосланган ҳолда талабанинг аттестация ва синовларга тайёргарлик савиясини аниқлаш имконияти борми ва ҳоказо.

Маълум бир фанда маърузанинг муҳим бешта тури қонуний равишда тавсифланган. Талабанинг диққатини ҳисобга олган ҳолда улар ахборот берувчи, йўналтирувчи, рағбатлантирувчи, методик, ривожлантирувчи ва тарбияловчи маърузалар деб аталиш билан бир қаторда талабаларни диққатини жамлаш орқали билимларни сифатини ўзлаштириш моҳияти деб ҳам тавсифланади.

Сушт ўзлаштирувчи талабаларни диққатидаги доминантлик янги билимларни ўзлаштиришига мунтазам равишда тўсқинлик қилишини олимларнинг узоқ йиллик изланишлари асосида ҳам назарий ҳам амалий тадқиқотларида изоҳлаб ўтилган [4].

Диққатнинг шахс омилидаги ролига Э.Ғозиев қуйидагича фикрларини баён қилганлар: “Одатда объектив (табиий) ва субъектив (шахсга оид) шарт-шароитлардаги ўзгаришлар туфайли ижобий (позитив) ёки салбий (негатив) хусусиятли психологик ҳолатлар, ҳодисалар, ҳислатлар, кечинмалар устуворлиги юзага келиб, моддий асос функциясини бажарувчи олий асаб фаолиятини, марказий асаб тизимининг ритмикасини, ишчанлик қобилятини пасайтиради”.

Демак, диққатни бошқара олмаслик оқибатида; фаолият, хулқ ва муомала амалга ошишида одатий саъй-ҳаракатлар, жараёнлар, маромлар бузила бошлайди, фавқулотда асабийлик, руҳий нуқсонлилик, қонуниятдан четга оғишлик, нохуш кечинмалар ҳокимлиги етакчилик қилади. Худди шу сабабдан, фаолият, хулқ ва муомаланинг муваффақияти шубҳа остида қолиши мумкин, чунки маҳсулдорлик, собитқадамлилик, мақсадга йўналганлик сифатларининг доминантлиги йўқолади, натижада ушналмаган эзгу ниятлар армон тариқасида юксак ҳис-туйғулар сафида даврий ҳукм суришида давом этаверади [5].

Диққатнинг доминантлиги дейилганда бир нерв марказини бошқа нерв марказлари устидан ҳуқумронлиги яни бир нерв устунлиги асосида бошқа нерв марказларини тормозланиши тушинилади.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сушт ўзлаштирувчи айрим талабаларда ўқиш фаолиятига эмас бошқа бир фаолият турига нисбатан устунлиққа эга бўлади.

#### Адабиётлар

1. Ғозиев Э.Ғ. Онтогенез психологияси. Ношир нашриёти. –Тошкент: 2010. 199-б.
2. Shamshetova A.K., Melibayeva R.N., Usmanova X.E., Xaydarov I.O. Umumiy psixologiya. O'quv qo'llanma. – T.: «Barkamol fayz media», 2018. 103-112-б.
3. Ғозиев Э.Ғ. Талабалар психологияси. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1983. 29-34-б.
4. Давлетшин М.Г., Дустмухамедова Ш., Мавлонов, Туйчиева М.С. Ёш даврлари ва педагогик психология. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДПУ, 2009. 87-127-б.
5. Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. –Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги УЗМУ нашриёти, 2002. 173-180-б.

**РЕЗЮМЕ.** Мазкур мақолада замонамизнинг долзарб масалаларидан бири бўлган суш ўзлаштирувчи талабаларнинг хусусиятларига қирувчи “диқкат” омилига ва унинг механизмларига эътибор қаратилган.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье основное внимание уделяется фактору «внимания» и его механизмам, который является одной из актуальных проблем современности, входящей в состав характеристики слабо адаптивных учащихся.

**SUMMARY.** This article focuses on the factor of “attention” and its mechanisms, which is one of the pressing problems of our time, which is part of the characteristics of poorly adaptive students.

## **AUTIST BOLALAR VA OTA-ONA MUNOSABATLARI KOMPONENTLARINI ILMIY JIXATDAN TADQIQ ETILISHI**

**N.R.Jumaniyozova** – *psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori*  
*Urganch davlat universiteti*

**Tayanch so'zlar:** autizm, autist- bola, ota-ona, munosabat, kognitiv, emotsional, xulq-atvor, komponent.

**Ключевые слова:** аутизм, ребенок-аутист, родитель, отношение, когнитивный, эмоциональный, поведенческий, компонент.

**Key words:** autism, autistic child, parent, attitude, cognitive, emotional, behavioral, component.

Autizm muammosini o'rganishda maxsus psixologiya va korreksion pedagogika ma'lumotlariga tayanish zarur. «Autizm» tibbiy tashxis bo'lib, uning aqliy zaiflik, alaliya, shizofreniyadan farqlanishini tushunish kerak. Autizmning birinchi belgilari bola hayotining dastlabki yillarida paydo bo'ladi va qo'rquv, negativizm, tajovuzkorlik bilan namoyon bo'ladi.

Bolaning dastlabki reaksiyalari onaga nisbatan sodir bo'ladi va ular quyidagicha:

1) bolaning onaga nisbatan yaqinlik hissi, bunda bola onaga intilmaydi, ko'ziga qaramaydi va kulmaydi;

2) salbiy reaksiya turi- bunda bolaga nisbatan qo'pol munosabatda bo'linsa, u onani o'zidan uzoqlashtiradi, quchoqlamaydi, onasiga nisbatan ham salbiy harakatlar namoyon qiladi;

3) simbioz aloqa-bolani yonida onasi yo'q ekanligi tashvishlantiradi [8].

Kognitiv, emotsional, xulq-atvor komponentlari autist bola va ota-ona munosabatlari shakllanishida muhim ahamiyatga egadir. Ota-ona munosabatining hissiy komponenti ota-ona tomonidan bolani qabul qilish yoki rad etish darajasini aniqlaydi. Shuningdek, ota va onaning bola bilan o'zaro munosabati jarayonida kechinmalarini, o'z roliga nisbatan hissiy munosabatini aks ettiradi. Ota-ona munosabatining hissiy komponenti keng ko'rinishga ega: so'zsiz hissiy qabul qilish, shartli hissiy qabul qilish, ambivalent hissiy munosabat, befarq munosabat, yashirin hissiy rad etish, ochiq hissiy rad etishga bo'linadi [6].

Dunyo olimlari tomonidan bu borada bir qancha ilmiy tadqiqotlar olib borilgan bo'lib, quyida ayrimlarining qarashlari bilan tanishish mumkin.

Z.Freydning psixoanaliz yondashuvi asosida, oiladagi hissiy aloqalarning tabiati tushuntirib berilgan. Ota-onalar bilan ishlashda psixoanalitik yondashuvning ahamiyati kattadir. Oilada ota-ona o'rtasida sevgi muhabbat hislarining bo'lishi farzandlar bilan bo'ladigan munosabatlar tizimiga ham ijobiy ta'sir qiladi [9].

E.Erikson o'z nazariyasida alohida inson taqdirini neofreydizm nuqtayi nazaridan talqin etadi va asosiy e'tiborni shaxs hayotining yoshlik davriga qaratadi. E.Erikson o'zining epigenez nazariyasi asosiga quyidagi taxminlarni qo'yadi:

1. Inson shaxsi, asosan, bosqichma-bosqich rivojlanadi va har bir o'sish jarayonida atrofida kengayib borayotgan ijtimoiy muhitga qiziqishi kuchayib, uni o'rganish va o'zaro munosabat qurish ishtiyoqida bo'ladi.

2. Jamiyat, asosan, individning tayyor ekanligiga va uning imkoniyatlariga mos ravishda tashkiliy tuzilma bo'lishga intiladi, shu orqali shaxs qobiliyatlarini ochib berish mumkinligini tushuntiradi. Insoniyat jamiyatiga yordam ko'rsatish aynan shundan iborat bo'lishi lozim.

E.Erikson tomonidan bolaga nisbatan nazoratni kuchliligi, bolaning o'z-o'zini boshqarish shakliga mos kelmasligi sababli nizoli vaziyatga olib kelishi tushuntiriladi. Shunday nizolar bola taraqqiyotining ayrim bosqichlarida keskin tus oladi va yosh davrlari inqirozi sifatida namoyon bo'ladi [7].

T.V.Andreyevaning tadqiqotlarida oiladagi muloqot buzilishlari o'rganilgan bo'lib, «rad etilgan muloqotlar», «dialogli aloqa», «paradoksal muloqot» shakllari tekshirilgan. Unga ko'ra, ota-onalarda muloqotning buzilishi, bir tomonlama muloqotga moyillik, ko'z bilan aloqa qilmaslik natijasida muloqot va munosabat tizimida buzilishlar yuzaga keladi. T.V.Andreyevaning fikricha, «ota-ona nazorati» bu bola faoliyatiga ta'sir o'tkazishga urinishdir. Ota-onalar tomonidan doimiy bolani nazorat qilinishi zo'rovonlik darajasini bildiradi. Ota-onalarning iliq munosabati bolani maqtashi, qo'llab-quvvatlashi uning rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi [1].

Y.I.Armatova tomonidan ota-ona va bola munosabatlarining asosiy psixologik modellari o'rganilgan. Nogiron bolaga nisbatan munosabat turlari, nogiron bolani tarbiyalashdagi qiyinchiliklar tushuntirib o'tilgan. Uning fikricha, ota-ona munosabatlari shakllanishida muloqotning umumiy, xarakterli va o'ziga xos uslublaridan foydalanish muqadga muvofiqdir. Ota-ona munosabatini aniqlashda ikkita mezon qo'llaniladi. Bular hissiy yaqinlik va nazorat darajasidir [2].

O.P.Suyetina va Y.R.Bayenskaya ota-ona va autist bola munosabatlarida oila a'zolarining o'rni ham muhimligini ta'kidlaydi. Autizm bolaga nisbatan munosabat murakkab tuzilishga ega. Bolaning kognitiv jarayonning rivojlanmaganligi va boladagi infantilizatsiya alohida tarbiya modelini yaratishni talab qiladi. Onaning ijobiy munosabatiga nisbatan bola tomonidan salbiy reaksiya namoyon qilinishi, onaning bezovtalanishiga va asabiylashishiga olib keladi. Y.R.Bayenskaya va O.P.Suyetina fikricha, bolaga munosabatning shakllanishi ijtimoiy va psixologik omillarga bog'liqdir. Bola bilan ijobiy munosabatda bo'lish uchun unga qiziqish, uni qo'llab-quvvatlash, faoliyatiga e'tibor qaratish, bolaga moslashuvchan bo'lish zarur.

B.Bettelxeym tadqiqotlari psixoanalitik yondashuvlar asosida emotsional buzilishlari bo'lgan bolalar va bolalik autizmi muammosiga bag'ishlangan. Uning fikricha, autist bolalar bilan ishlash muhim psixoterapevtik amaliyotni talab qiladi [3].

Y.Bleyler tomonidan autist bola tafakkur jarayoni alohida predmet sifatida o'rganilgan. Autist bolalar tomonidan bildirilgan fikrlar mantiqsiz fikrlash bo'lib, ma'lum bir qoidalarga bo'ysunish kuzatilmaydi. Bolaning bildirayotgan fikrlari bir-biriga unchalik mos kelmasligini ko'rish mumkin. Autist bola fikrlarida, mavjud bo'lmagan xotiradagi fikrlar namoyon bo'ladi. Bu katatim fikrlash, xayoliy, nazoratsiz voqelikni hisobga olmaydigan xohish-istak va qo'rquvlar orqali namoyon bo'ladigan fikrlashdir. U.Bleyler filogenitik nuqtayi nazaridan autistik tafakkurni «tug'ma» va «yosh» xususiyatini ta'kidlaydi.

N.N.Vasyagina ota-onalarning muammolarini yechimi sifatida psixoterapiyaning ahamiyatini tushuntirib o'tgan. Bolalarga yordam berish, ota-ona va bola o'rtasidagi hissiy munosabatlarining shakllanish omillarini tadqiq qilgan. Terapevtik dastur tuzishning talablari bo'yicha fikrlarini bildirdi. Ota-onalarga o'yin terapiyasini o'rgatish orqali ulardagi sezgirlik, tushunish, qabul qilish ko'nikmalarini